Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти
КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 19 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ · № 35 (11.346) · Баҳоси эркин нархда

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида темир йўл коллежи фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси буюртмаси асосида бунёд этилган мазкур таълим маскани 375 ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб бунёдкорлик ишларига 4 миллиард 9 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Темир йўл коллежида ёшларнинг танлаган соҳалари бўйича чуқур билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.**

**• Тошкентдаги Халқаро маданият карвонсаройида Ўзбекистон Бадиий академияси вакилларининг Умумхитой халқаро дўстликка кўмаклашиш ассоциацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси иштирокида ўтказилган мулоқотда тасвирий санъат борасида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ҳақида сўз борди.**

**• Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси журналистлар ўртасида ўрмончилик масалаларини ёритишга бағишланган энг яхши ишлар юзасидан танлов эълон қилди.**

**• Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияларининг масъул ходимлари иштирокида саноат корхоналари ва уларнинг фаолиятини таъминловчи инфратузилмаларда ёнғин хавфсизлигига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.**

**• Ўн кун давомида қизиқарли баҳслар орқали ўтган Ўзбекистон футбол федерацияси Кубоги ўйинлари ниҳоясига етди. Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоасини финалда 3:1 ҳисобида енгган Олмалиқнинг «Олмалиқ» жамоаси Кубок соҳибига айланди.**

**• Юқори Чирчиқ туманидаги «Тано» наслчиликка ихтисослашган фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мазкур корхона кунига бир тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Корхона ишга туширилгач, қўшимча 8 та иш жойи очилди.**

**• Кегейли тумани «Аспантай» овул фуқаролар йиғини аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бунга Устюрт нефтгаз қидирув экспедицияси томонидан 365 метр чуқурликда қудуқ қазилгач эришилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Франция Президенти Николя Саркози мамлакат касаба уюшмалари етакчилари билан ўтказилган учрашув чоғида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини молиявий инқироз пайтида қўллаб-қувватлаш ниятида 2,65 миллиард евро миқдорида маблағ ажратилишини маълум қилди.**

**• Исроил Президенти Шимон Перес сиёсий партиялар раҳбарлари билан ҳукумат таркибини шакллантириш юзасидан консультацияларни бошлади.**

**• АҚШ Президенти Барак Обама Афғонистондаги Америка ҳарбий контингентининг яна 17 минг кишига оширилиши тўғрисида фармойиш берди. Режага кўра олти ой давомида Афғонистонга қўшимча равишда армия бригадаси, шунингдек, денгиз пиёдалари юборилади.**

**• Венесуэла ҳукумати чуқур иқтисодий таназзул туфайли ижтимоий соҳага ажратиладиган маблағларнинг камайтирилишини маълум қилди.**

**• Эрон Мудофаа вазири ўринбосари Аҳмад Воҳидий теҳронлик ҳарбий олимлар ва мутахассислар томонидан учувчисиз ҳаракатланадиган ўта мукаммал учадиган мослама яратилганлиги ҳақида баёнот берди. Ҳаракатланиш доираси минг километр масофадан ортиқ бўлган ушбу мосламадан разведка амалиётларида фойдаланиш кўзда тутилган.**

**• Ҳиндистон ўзининг космик агентлиги (ISRO) бюджетини 27 фоизга оширди. Бинобарин, 2009 йилда ISRO ўз харажатлари учун 4,5 миллиард рупийга яқин маблағ олади. Қўшимча пулларнинг катта қисми Ҳиндистонда сунъий йўлдошларни учириш учун фойдаланиладиган янги ракетани ишлаб чиқаришга сарфланади.**

**• Атлантика океанида тўқнашиб кетган Англиянинг «Лангуард» ва Франциянинг «Ле Триомфан» сув ости атом кемаларининг техник имкониятлари шунчалик юқорики, бу уларга ўта яширин тарзда ҳаракатланиш имкониятини бериши тўғрисида Франция Мудофаа вазири Эрве Морен баёнот берди. Бундай техник имкониятлар сабабли, ҳар икки кема экипажлари бир-бирларини кўра олмаганлар ва шу сабабли тўқнашувнинг олдини олишнинг иложи бўлмаган.**

**• Белоруссияда илк бор юракни кўчириб ўтказиш операцияси амалга оширилди. «Кардиология» илмий-амалий маркази мутахассислари томонидан бажарилган мазкур операция олти соат давом этиб, унда 20 га яқин юқори малакали жарроҳлар иштирок этди.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

• **ШАҲРИМИЗНИНГ** фаол ёшлари иштирокида Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирда солиқ қонунчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

• **АБУ** Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида жамият тараққиётида ёшларнинг ўрни масаласига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

• **«СОҒЛОМ** авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида шаҳримизда яшовчи 20 нафар имконияти чекланган болажонлар хориж клиникаларида даволаниш учун Тошкентдан Германияга жўнаб кетишди.

• **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган тадбир «Оғусиз дунё» деб номланди. Тадбир қатнашчилари эътиборига гиёвандликни қораловчи ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

• **РЕСПУБЛИКА** шахмат-шашка клубида шахмат бўйича биринчи лига вакиллари ўртасида ташкиллаштирилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари якунига етди, ғолиб ва совриндорларга совринлар, эсдалик совғалари туҳфа этилди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

**ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ БАРОБАРИДА АНА ШУ ТОВАРЛАРНИ ЎРАШ ҲАМДА ҚАДОҚЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР УНИНГ ХАРИДОРГИРЛИГИНИ ОШИРАДИ. АЛБАТТА, БУНИНГ УЧУН ҚАДОҚЛАШ ВОСИТАСИНИНГ КЎРИНИШИ ВА ДИЗАЙНИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.**



*Қўшма корхоналарда*

## СИФАТЛИ ҚАДОҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ




Бу борада фаолият олиб бораётган жамоалар орасида шаҳримиздаги «Орзу-пластик» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасининг ўз ўрни бор. Шу боис ҳам мазкур корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот турлари тобора ортиб, дизайнерлар маҳорати тайёрланаётган қадоқлаш воситалари сифати ҳамда кўринишида аксини топмоқда.

Ҳамкорлар билан шерикчилик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётгани ривожланиш омилларидан саналиб, шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу борада чет эллик сармоядорларга юртимиздаги қулай инвестицион муҳит қўл келмоқда. Шунингдек, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси эса шерикликда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳамда рақобатбардошлиги ортишида, харидорлари сафи кенгайишида, импорт ўрнини босувчи товарларнинг ички бозорни тўлдиришида яққол кўриниб бормоқда.

Юқоридаги қўшма корхона ҳам бундан бир неча йил аввал 5 нафар ишчи билан фаолият бошлаб, ҳамкор давлат ҳамда Таиланддан келтирилган технологик линиялар билан жиҳозланган эди. Бозорни ўрганиш асносида буюртмачиларни жалб этиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажми ортиб борди. Бунинг учун цехлар юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар билан жиҳозланди, қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Бунинг натижасида ишчилар сафи ҳозирги кунда 20 нафарни ташкил этяпти.

— Корхонамизда асосан полиэтилен ва полипропилен қадоқлаш воситаларини тайёрлаш йўлга қўйилган бўлиб, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш масалалари бўйича директори Абдушукур Муҳамедов, — хом ашёни мамлакатимиздаги йирик «Шўртангаз» кимё мажмуасидан оламиз. Албатта ана шу хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда маҳсулотларимиз турини ошириб бораяпмиз. Аввало буюртмачи талаби ўрганилади ва кейин шунга кўра буюртмалар тез ҳамда сифатли бажарилади. Албатта, бозорни ўрганган ҳолда келгуси режаларимизни ҳам белгилаб бораяпмиз. Улар сирасига хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали янги технологик линиялар келтириш ва шу асосда ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 бараварга ошириш, рақобатбардош қадоқлаш воситалари турларини кўпайтириш киради.

Ўтган йилда қўшма корхона тадбиркорлари 308 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлишди. Уларнинг турлари эса 300 хилдан ортиқни ташкил этади. Жуда кўплаб озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарининг буюртмалари уддалаб берилди. Айниқса, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан буюртмалар кўпайиб бормоқда. Пойтахтимиздаги «Орзу ош тузи», «Осиё батарея» ҳамда бошқа ўнлаб корхоналар асосий буюртмачилар сирасига киради.

Бугунги кунда корхона дизайнерлари талаб ва таклифларни инобатга олган ҳолда янги қадоқлаш ашёлари яратиш, уларнинг сифатини янада ошириш устида ишлашмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятидан лавҳалар

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ИШБИЛАРМОНЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ УМУМЖАҲОН МАРКЕТИНГИ

***Деҳлида 36-Умумжаҳон маркетинг конгресси бўлиб ўтди. Тадбир Ҳиндистон Менежмент ва маркетинг институти томонидан мамлакат ҳукумати, Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатнинг Савдо палатаси, Саноатчилар уюшмаси, «PHD» савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий Осиё мамлакатларининг Ҳиндистондаги элчихоналари ҳамкорлигида ташкил этилди.***

Учрашувда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзинфоинвест» ахборот таъминот ва хорижий инвесторларга кўмаклашиш агентлиги вакиллари иштирок этишди.

Конгресс иштирокчилари сармояларни жалб қилиш, банк тизими, суғурта, туризм ва энергетика соҳаларига алоқадор бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилишди ҳамда глобаллашув шароитида кичик ва ўрта бизнес ўртасидаги алоқалар салоҳиятини ўрганишди.

Таъкидландики, давлатлар ўртасидаги тарихий алоқалар ва мамлакатларнинг геостратегик жойлашуви катта иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, келгусида айнан мана шу омиллар давлатлар ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ва чуқурлаштириш учун хизмат қилади. Марказий Осиё ва Ҳиндистоннинг бой табиий заҳиралари, томонларнинг илмий ва техник салоҳияти мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос бўлиши мумкин.

Конгрессда турли мамлакатлар ўртасида савдо, инвестиция, технологиялар бериш, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни қамраб олувчи ўзига хос платформа лойиҳасини яратиш имконияти юзасидан ҳам фикр алмашилди. Микродаражадаги «B2B» бизнес тузилмаси бу жараёндаги муҳим босқичлардан бири бўлиши мумкин. Тузилма тадбиркорлик соҳасидаги истиқболли йўналишларни тадқиқ қилиш борасидаги маркетинг фаолияти, ташкилот ва корхоналарга зарур бўлган товарлар, хизматлар, технологияларни яратиш ва таклиф этишни ўз ичига қамраб олади.

Учрашув иштирокчилари Ҳиндистон билан Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми томонлар салоҳиятига мос эмаслигини таъкидлашди. Марказий Осиёдан Ҳиндистонга газ, нефть ва ундан олинган маҳсулотлар, тўқимачилик, мис, алюмин, пўлат, пластмасса ва пластмасса буюмлари экспорт қилинади. Ҳиндистондан импорт қилинадиган маҳсулотлар эса машина ва ускуналар, химикатлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, чой, шакар, дори-дармонлар, қоғоз, пойафзал, тўқимачилик ва қандолат маҳсулотларидан иборат.

Конгресс доирасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва туристик салоҳияти тақдимоти ўтказилди. Иштирокчилар эътиборига турли слайдлар ҳамда ҳужжатли видеофильм ҳавола этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ва Ҳиндистонда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган бизнес-семинарлар, кўргазмалар, ярмарка ва конференциялар, тақдимот маросимлари мамлакатларимиз ўртасидаги тезкор ахборот алмашинувига хизмат қилиб, айнан ҳукуматлараро комиссия фаолиятининг самарасидир. Тўпланган тажриба асосида айни пайтда икки мамлакат ўртасида савдо, инвестиция, транспорт, технологиялар, туризм, техник ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутувчи битим лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда Ҳиндистон сармояси иштирокида ташкил этилган 49 та корхона фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг 19 таси юз фоизлик хорижий капитал асосида тузилган. Мазкур корхоналар халқ истеъмол моллари, дори-дармон ишлаб чиқариш, тўқимачилик, тери маҳсулотларини қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдо соҳаларида фаолият юритмоқда

**«Жаҳон» АА, Деҳли**

***Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси кўмагида тайёрланган итальян тилидаги «Uzbekistan oggi»(«Ўзбекистон бугун») деб номланган рангли журналнинг биринчи сони «Атес Графика» нашриёт уйи томонидан чоп этилди. Унда ўтган йилда юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларида юз берган энг муҳим воқеаларга бағишланган туркум мақолалар эълон қилинган.***

## «UZBEKISTAN OGGI» ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

Журнал кенг жамоатчилик, жумладан, Италиянинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган чет эл дипломатия ваколатхоналари вакиллари, шунингдек Европарламент депутатлари учун мўлжалланган.

Нашр Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил августида ШҲТ саммитида қилган маърузаси билан очилиб, Афғонистонда зиддиятнинг тобора авж олиши ҳамда қарама-қаршиликнинг кучайиши, вазият кескинлашиб, жангариларнинг террорчилик ҳаракатлари фаоллашаётгани боис минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан таҳдидлар кучайиб бораётгани қайд этилади. Жумладан Ўзбекистон раҳбари: «Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиш динамикаси шундан далолат бермоқдаки, фақатгина қуролли кучларни ишлатиш, ҳарбий воситалар ва милитаризация даражасини ошириш ҳисобига Афғонистон муаммосини ҳал этиб бўлмайди.

Қарийб 30 йилдан буён давом этаётган уруш мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани вайрон қилди, аҳолининг қашшоқлашувига олиб келди ва шуни ҳам тан олиш керакки, одамларни ўз истиқболига бўлган ҳар қандай умиддан маҳрум қилиб, янги жангариларни ёллаш учун қулай замин яратмоқда», дея таъкидлайди.

Шунингдек, маърузада юзага келаётган мураккаб вазият афғон муаммосини ҳал этиш усулларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини намоён этаётгани қайд этилади. «Бунда Афғонистонга аниқ мақсадга йўналтирилган иқтисодий ёрдам кўрсатиш, иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани қуриш ва шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, қашшоқликка қарши кураш билан боғлиқ бўлган энг долзарб муаммоларни ҳал этиш масалалари асосий устувор йўналиш бўлиши керак.

90-йилларнинг ўрталарида БМТ раҳнамолигида самарали фаолият юритган Афғонистон бўйича 6+2 гуруҳини тиклаш ва унинг таркибига амалдаги шарт-шароитдан келиб чиқиб, Афғонистонга қўшни бўлган давлатлар билан бир қаторда Россия, АҚШ ва НАТОни қўшган ҳолда 6+3 гуруҳига айлантириш ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим воситаси бўлиши мумкин».

Шу билан бирга, журнал саҳифаларидан мамлакатимизда ташқи сиёсат соҳасида рўй берган муҳим воқеалар, хусусан, Президент Ислом Каримовнинг Озарбойжонга амалга оширган расмий ташрифи, Латвия ва Болгария раҳбарларининг юртимизга ташриф буюришига бағишланган мақолалар ҳам ўрин олган.

Нашрда мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида фаолият юритаётган ҳуқуқий институтлар тўғрисида батафсил маълумот берилган.

Журналда Марказий Осиёда сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Минтақа мамлакатлари инсоният тарихидаги энг йирик экологик инқирозлардан бири – Орол денгизининг қуриши билан тўқнаш келганини қайд этган ҳолда, нашр «сўнгги йилларда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол муаммоси ҳамда унинг оқибатида юзага келаётган сув танқислиги масаласига қаратиш мақсадида бир қатор жиддий чора-тадбирларни амалга оширди», -деб ёзади. Таъкидланишича, «Ўзбекистон сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш тарафдори бўлиб, бунда мазкур масалани мувофиқлаштирувчи халқаро ҳужжатларга асосланиш муҳимлигидан келиб чиқмоқда. Ўзбекистон трансчегара дарёларида сув иншоотларининг қурилиши оқимдан пастда жойлашган мамлакатлар аҳолиси манфаатларини инобатга олган ҳолда мустақил халқаро экспертлар иштирокида ва барча тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилишининг тарафдоридир».

Нашрнинг маданият соҳасига бағишланган рукнидан жорий йилда ўзининг 2200 йиллигини нишонлайдиган шонли пойтахтимиз – Тошкент ҳамда мамлакатимизнинг қадимий шаҳарларидаги маданий-тарихий ва меъморий обидаларга бағишланган мақолалар ўрин олган.

**«Жаҳон» АА,**

# ШАҲАР ХЎЖАЛИГИ: истиқбол ва режалар

## ЁРУҒЛИК УЛАШУВЧИЛАР

**КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДАГИ ХОНАДОНЛАРНИНГ ҲАМИША НУРАФШОН БЎЛИБ, ЭЛЕКТР ЧИРОҚЛАРИНИНГ ПОРЛАБ ТУРИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА, НОСОЗЛИКЛАРНИ ВАҚТИДА БАРТАРАФ ЭТИШДА ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЭЛЕКТР УСТАЛАРИНИНГ МУНОСИБ ЎРНИ БОР.**







Учтепа туманидаги «Комрон сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидаги кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатаётган электр устаси Валерий Коротов ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. У бир неча йилдан буён мазкур ширкатда меҳнат қилади. Аҳолидан тушган буюртмаларни вақтида бажариб, содир бўлган носозликларни бартараф этишда устанинг муносиб ҳиссаси бор. Шу боис ҳам унинг беминнат хизматларидан ширкат аъзолари мамнун бўлишмоқда.

Яна бир электр устаси Виктор Оленинни эса Чилонзор туманидаги «Октепа коммуналчи сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидагилар жуда яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Бунинг асосий боиси устанинг ўз ишини яхши билиши ва сидқидилдан меҳнат қилишидир. Ширкат мутасаддиларининг таъкидлашича, Виктор Оленин ташриф буюрган хонадонига ёруғлик ҳам кириб боради.

**Нозима АКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: электр устаси Валерий Коротов ва «Комрон сервис хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати фаолиятидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

**БЕМИННАТ ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН БЕБАҲО НЕЪМАТЛАРИМИЗ ИЧИДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИДА МУНОСИБ ЎРИН ТУТУВЧИ ҲАМДА ТУРМУШИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА КАТТА ҲИССА ҚЎШУВЧИ ТАБИИЙ ГАЗНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР. АЛБАТТА, АНА ШУ «ЗАНГОРИ ОЛОВ»НИНГ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МУНТАЗАМ ВА ХАВФ-ХАТАРСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШИДА МИНГЛАБ СОҲА ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТЛАРИ МУЖАССАМДИР.**

*Бебаҳо неъматларимиз*

## ГАЗ БИЛАН УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги барча истеъмолчиларни ана шундай зарур ва қимматли саналган табиий газ билан узлуксиз таъминлашда «Тошкентгазтаъминот» унитар корхонасининг «Тошкентшаҳаргаз» филиали жамоасининг муносиб ўрнини таъкидлаш жоизки, бугунги кунда уларнинг саъй-ҳаракатлари яхши самара бермоқда. Филиал ходимлари ўтган йилда ҳам ўз истеъмолчиларини табиий газ билан барқарор таъминлаш, газ объектларидан хавф-хатарсиз фойдаланишнинг мақбул даражасини ушлаб туриш ва газлаштиришни янада ривожлантиришга асосий эътибор қаратишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, филиал тўққиз мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчиларни, тахминан 560 мингта хонадон ва хусусий уйларни, «ТошИЭС», «ИМ-2» ва «Тошиссиқликмарказ»нинг тўққизта туман қозонхоналарини ва «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 177 тадан ортиқ маҳаллий қозонхоналарини табиий газ билан таъминлайди.

Истеъмолчиларни табиий газ билан барқарор таъминлаш учун 2008 йилда «Чилонзор», «Қўйлиқ» ва «Жанубий» газ тақсимлаш шохобча (ГТШ)ларидаги эскирган босим регуляторлари алмаштирилди ва натижада босимни автоматик тарзда сифатли бошқариш имконияти яратилди. Зиё Саид кўчасидаги камқувватли ГТШ алмаштирилди ва Учтепа тумани «Ўриксор» мавзесида қўшимча равишда юқори босимли ГТШ ўрнатилиб, бу газ таъминотини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида «Бектемир» газтақсимлаш станцияси (ГТС)нинг фойдаланишга топширилиши билан газ босими барқарорлашди. Шаҳардаги барча ўрта босимли ГТШлар ва истеъмолчиларнинг газ асбоб-ускуналари белгиланган тартибда ишламоқда.

Тошкент шаҳар газ хўжалигини кузги-қишки мавсумда ишлашга тайёрлаш чора-тадбирлари режаси асосида «Тошкентшаҳаргаз» филиали жамоаси 1000 километр узунликдаги юқори ва ўрта босимли газ қувурлари синовини, 1688 та ГТШнинг техник назоратини, умумий узунлиги 44 километрни ташкил этган газ қувурларини, жумладан, мавжуд эскирган пўлат қувурлар орқали полиэтилен қувурлар ётқизиш услуби билан 4,25 километр ерости газ қувурларини капитал таъмирлашни амалга оширдилар.

Амир Темур кўчаси бўйлаб полиэтилен қувурлар фойдаланишга топширилгач, яқин атрофда жойлашган мавзе ва кўчалардаги аҳолини газ билан таъминлаш барқарорлашди.

М-14 мавзеида ҳам А.Қодирий кўчасидан то А.Навоий кўчасига қадар эскирган пўлат қувурлар ўрнида 1,2 километр узунликдаги полиэтилен газ қувури ётқизилди. Бунинг самараси «Қоратош» мавзеси ва Самарқанд Дарвоза кўчасида яшовчи аҳолини газ билан таъминлашни яхшилашда яққол намоён бўлди. Полиэтилен қувурлар А.Навоий кўчаси бўйлаб Хўжаев кўчаси яқинида ва бошқа жойлардаги ерости газ қувурларни капитал таъмирлашда ҳам жорий қилинди.

Жорий йилда эса 35 километр эскирган ерости газ қувурларни капитал таъмирлаш режалаштирилмоқда. Ҳозирда, хусусан ишлатилаётган газ миқдорини ҳисоблаш, газ учун тўловларни амалга оширишни қулайлаштириш соҳасида илғор технологиялардан фойдаланишга эътибор берилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб истеъмолчилар PAYNET шохобчаларида электрон тўлов хизматларидан фойдалана оладилар.

— Корхона ривожланишининг стратегик йўналишларидан бири — бу мижозлар талабларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда самарадорликни оширишдир, — дейди филиал бошлиғи Абдусамад Саидвалиев. — Пойтахт газ хўжалигининг барча хизматларида мониторинг олиб борилмоқда. Истеъмолчиларнинг мурожаатлари тезкорлик билан таҳлил қилинмоқда. Тарғибот мақсадларида телевидение ва радиода чиқишлар ташкил қилиниб, матбуотда мақолалар чоп этиляпти. Рангдор плакатлар ишлаб чиқилган ва улар маҳаллалар, ташкилот ва корхоналарга жойлаштирилмоқда.

Газдан тежаб ва самарали фойдаланиш масаласи «Тошкентшаҳаргаз» филиалининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Турар жойлар, ишлаб чиқариш биноларида газ истеъмолини сезиларли тежаш йўлларидан бири уларнинг марказлашган тартибда иссиқлик билан таъминлашга ўтишлари ҳисобланади. Кейинги пайтларда корхона раҳбарияти кўплаб қизиқарли ташаббусларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Улар молиявий ҳолатни сезиларли даражада яхшилаш, жамоа ишини уюшқоқлик, тартиб ва интизом асосида ташкил этиш имконини берди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, истеъмолчилар ҳам газдан тўғри фойдаланиш қоидаларига амал қилиш баробарида ёқилган газ ҳақини вақтида тўлаб боришни унутишмаса, ҳамиша «зангори олов» беминнат хонадонларига кириб бораверади. Шу боис ҳам ушбу неъматнинг қадрига етайлик.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

*Нишондорларимиз*

## ЭЪЗОЗ ТОПГАН ҲАЙДОВЧИ

**КАСБНИНГ ЯХШИ ЁКИ ЁМОНИ БЎЛМАЙДИ. ФАҚАТГИНА ИНСОН ЎЗИ ТАНЛАГАН КАСБИГА МЕҲР ҚЎЙСА, УНИ АРДОҚЛАСА, ЯХШИ ҚИРРАЛАРИНИ ОЧА ОЛСА, КЎНГЛИ ЗАВҚҚА ТЎЛАДИ, ҚОНИҚИШ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ. АЛБАТТА, КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ, ЭЛ-ЮРТ КОРИГА ЯРАГАН ИНСОННИ ОДАМЛАР ҲАМ ҚАДРЛАЙДИ, МЕҲНАТИ МУНОСИБ БАҲОСИНИ ОЛАДИ.**

Шаҳар жамоат транспорти ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятида йўловчилар манзилини яқин қилиб келаётган тажрибали ҳайдовчи Баҳодир Тожиев ана шундай ўз қизиқиши билан касб танлаб, уни мукаммал эгаллаб ва ҳамиша ардоқлаб, эвазига эса ўзи ҳам эъзоз топаётган инсонлар сирасига киради. Унинг самарали меҳнатлари муносиб баҳоланиб, мамлакатимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани буни яққол исботлаб турибди. Албатта, ушбу рағбат Баҳодир Тожиев меҳнат қилаётган «3-автобус саройи» акциядорлик жамияти жамоасини, ҳайдовчининг ҳамкасбларини мамнун этди. Негаки, унинг ютуғи, албатта, жамоадошларининг ҳам муваффақияти ҳисобланади.

—1975 йилда мактабни тугатгач, ўзим ҳавас қилган касб бўлмиш ҳайдовчиликни танладим, — дейди Баҳодир Тожиев. — Касбни эгаллаб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олгач, ҳарбий хизматда бўлдим. Хизматдан қайтиб, тўғри пойтахтимиздаги 3-автосаройга ишга келдим. Мана шунга ҳам 34 йил бўлибди. Аввало, жамоада менга тўғри йўл кўрсатган, касбимни янада мукаммал эгаллашимда, аҳолига намунали хизмат кўрсатишда ёрдам берган устозларим, моҳир транспортчилар Қамбар ака (марҳум) ва Шавкат акалардан бениҳоя миннатдорман. Албатта, бугунги ютуқларимда устозларимнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Ҳозирда Баҳодир Тожиев мазкур корхонада меҳнат фаолиятини давом эттириб, пойтахтимиздаги «Қорақамиш 2-4 — «Тошкент универмаги» йўналиши бўйича қатновчи 85- автобусни бошқариб келмоқда. Мазкур йўналиш бўйича ҳар куни 7 та автобус йўловчиларга хизмат қилиб, ҳаракат оралиғини сақлашда, транспортни хавф-хатарсиз бошқаришда, барча режаларни бажаришда фаоллик кўрсатмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Баҳодир Тожиевга ҳозирда ўзи бошқараётган «Мерседес-ЛОР» русумли янги автобуси биринчилар қаторида топширилди. Айни кунларда у сменадоши Шавкат Дўсматов билан ҳамжиҳатликда ўз вазифасини сидқидилдан бажармоқда. Илғор ҳайдовчининг муваффақиятларидан яна бири кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида бирон марта ҳам авария ҳолати содир этмаганлигидир. Шунингдек, автосаройга сабабсиз қайтиш ҳоллари ҳам учрамайди. Чунки, у ўз автоуловини шериги билан ҳамкорликда ҳамиша шай ҳолда сақлайди, техник ҳолати, озодалигига эътибор қаратади. Бугунги кунда у тайёрлаган кўплаб шогирдлар ҳам устозлари ўгитига амал қилиб, моҳир ҳайдовчи изидан боришмоқда.



Халқимизда «Ота дуосини олган асло кам бўлмайди» деган доно нақл бор. Мана шунга амал қилган Баҳодир Тожиев ҳар тонг ишга отланар экан, падари бузруквори Мирсолиҳ ота фарзандига оқ йўл тилайди. Ана шу дуою доно маслаҳатлар ҳайдовчига ҳамиша ҳамроҳ бўлмоқда. Албатта, Баҳодир ака ҳам турмуш ўртоғи Фотима опа билан биргаликда тарбиялаётган 4 нафар фарзанднинг камоли йўлида қайғуришади. Жажжи набиралар эса уларнинг жону дили. Шу боис ҳам қаҳрамонимиз оиласидан кўнгли тўлиб, касбидан фахрланиб меҳнат қилмоқда. Унинг меҳнат маҳсули автосарой ютуғида муносиб ўринга эга.

**Дилноза СОДИҚОВА**

**СУРАТДА: «Шуҳрат» медали соҳиби Баҳодир Тожиев йўловчилар хизматига отланмоқда.**

**Алексей Попов олган сурат**

***Раъно МИРЗАЕВА, Мирзо Улуғбек туманидаги «Бўз-1-коммунал» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, «Шуҳрат» медали соҳиби:***

*Дилдаги гаплар*

## МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

— Юртимизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар изчил давом этмоқда. Кўп қаватли турар жой биноларини кўркамлигини ошириш, хонадон эгаларига қулайликлар яратиш, аҳолига намунали хизматни ташкил этиш, бошқарувни такомиллаштириш, ширкат аъзолари онгида мулкдорлик ҳиссини шакллантириш, умумий молк-мулкни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси бугунги кунда яққол кўзга ташланмоқда.

Аввало, шуни айтиш лозимки, кўп йиллардан буён ушбу соҳада ишлаб анчагина тажриба тўпладим. Аҳоли билан ишлаш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, муаммолар ечимини биргаликда топиш, асосийси, ҳамжиҳатликка эътибор қаратишга интиламан. Ширкатда уста бўлиб фаолият кўрсатганимда хонадон эгалари билан, уйбошилар билан ҳамкорликда ишладим. Ҳозирда эса ширкатни бошқариб келаяпман.

Ширкатимиз тасаррўфида 6 та кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 604 та хонадон аҳли истиқомат қилади. Уйларнинг ҳолатини, хонадон эгаларини жуда яхши билганлигим боис ҳам долзарб масалалар ечимини биргаликда тезда ҳал этамиз. Бу борада менга нафақат ширкатнинг 6 нафар ходими, балки уйбоши ва йўлакбошилар ҳам ёрдам беришади. Ўз фаолиятимизда уларнинг кўмагига, ширкат мулкдорларининг қўллаб-қувватлашига таянаман. Шунингдек, туман ҳокимлиги, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси бизга доимо ёрдам беради.

Ходимларимиз ҳар бир тушган буюртмани ўз вақтида сифатли адо этишга интилади. Бу борада назоратни ўзим олиб бораман. Шу боис бўлса керак, коммунал тўловлардан бўйин товлайдиганлар, ашаддий қарздорларимиз йўқ. Уйбоши ва йўлакбошилар ўзларига ишониб топширилган вазифани уддалашга интилишмоқда. Шу боис ҳам фойдаланиш харажатлари тўловида кўпчилигига имтиёзлар берилмоқда. Айниқса, бу борада Грета Алакова, Назира Жўраева, Ботир Каримов, Эдуард Густаковский сингари уйбошилар фаоллигини таъкидласам арзийди.

Ҳадемай қиш фасли тугаб, баҳор юмушларини ҳам бошлаб юборамиз. Айниқса, 2009 йилимиз ўзгача йил ҳисобланиб, Тошкентимизнинг шонли 2200 йиллигини нишонлаш тараддудидамиз. Биз ҳам, албатта бундан четда турмаймиз. Эрта баҳордан ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юборамиз. Мавжуд учта болалар майдончаси орасталигига эътибор қаратамиз. Йўлак ва ҳовлилар покизалигини сақлаш, гул ва дарахт кўчатлари экиб парваришлаш доимий юмушларимиз сирасига киради. Шунингдек, жорий йилда уйларимизнинг фасад қисмини таъмирлаш ниятидамиз. Мақсадимиз қутлуғ санани ободлик ва кўркамликка ҳисса қўшиб кутиб олишдир.

*Сўранг, жавоб берамиз*

## УМУМИЙ ЙИҒИЛИШ ҚАЧОН ЧАҚИРИЛАДИ?

**Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларининг умумий йиғилишини қачон чақириш мумкин ва мазкур тадбир қандай олиб борилади?**

**Фаёз ҚОДИРОВ,**
**Учтепа тумани**

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонуни 3-боб, 20-моддасида бу ҳақда қуйидагилар келтириб ўтилган, яъни «Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши йилига камида бир марта ширкат уставида белгиланган тартибда чақирилади». Ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олтмиш кундан кечиктирмай чақирилади. Яна таъкидланишича, ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бошқарувнинг, ширкатда камида ўн фоиз овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббусига, шунингдек, тафтиш комиссиясининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

Ширкат қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган тақдирда ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирилиши мумкин. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, сана, вақт, йиғилиш кун тартиби ҳақида ширкат аъзоларини хабардор қилиш ширкат уставида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши кун тартибига умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаларини, даромадлар ва харажатлар сметаларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни, мажбурий бадаллар миқдорларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш киритилган бўлса, ширкат бошқаруви умумий йиғилиш ўтказилгунга қадар ширкат аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт. Бундай танишиш тартиби ширкатнинг уставида белгиланади.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши, агар йиғилишда ширкат аъзоларининг ёки улар вакилларининг эллик фоизидан кўпроғи ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Биттадан ортиқ уйдаги жой мулкдорларини бирлаштирган ширкатлардаги йиғилишда кўп квартирали ҳар бир уйдаги жой мулкдорларининг ёки улар вакилларининг камида эллик фоизи ҳозир бўлиши керак.

Ширкат аъзоларининг умумий йиғилишини оддий кўпчилик овоз билан сайланадиган йиғилиш раиси олиб боради.

Шунингдек, ушбу моддада айтилишича, ширкатнинг ҳар бир аъзоси умумий йиғилишда бир овозга эга бўлади. Ширкат аъзоларининг умумий йиғилиши баённома билан расмийлаштирилиб, ушбу ҳужжат йиғилиш раиси ва котиби томонидан имзоланади.

## ЮРАКДА ҒУРУРИМСАН, ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМ

**БУГУН МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА ҲАМИША ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ОНА ШАҲРИМИЗ — ТОШКЕНТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА.**

Кенг ва равон йўллар, осмонўпар, муаззам бинолар, замонавий, кўркам тарзда қад ростлаган олий ўқув юртлари, мактаб, касб- ҳунар коллежлари ва академик лицейлар кўрган кўзларни қувонтириб, юракларда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. Кенг миқёсда олиб борилаётган катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари туфайли пойтахтимиз кундан- кунга чирой очиб гўзал ва мафтункор бўлиб бормоқда. Жойларда ўтказилаётган турли маънавий- маърифий тадбирларда ҳам айнан «Ислом маданияти маркази» мақоми берилган шаҳримизнинг қутлуғ тўйига муносиб тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилмоқда.

Хусусан, Шайхонтоҳур туманидаги 137- умумтаълим мактабида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ва туман маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган катта маънавий- маърифий тадбирда ҳам айнан пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш, энг гўзал байрамларимиздан бири бўлмиш Наврўзга тайёргарлик кўриш ҳақида сўз борди.

Ушбу тадбирда тумандаги «Лабзак», «Кохота», «Тахтапул» ва «Жанггоҳ» маҳаллалари раислари, фаоллари, Тошкент Архитектура қурилиш институти, Тошкент Ислом университети ўқитувчилари, 137-



мактабнинг ўқитувчи ва ўқувчи-ёшлари иштирок этди. Тадбирда сўз олган Тошкент Ислом университети ўқитувчилари Неъматулла Муҳамедов, Ғулом Орифжонов ва туман маънавият тарғибот маркази раҳбари Сабоҳат Ҳамидовалар мустақиллик туфайли қисқа давр ичида асрий ўзгаришлар юз бериб қайта чирой очган пойтахт шаҳримизнинг бой ўтмиши, тарихи, қадимий Наврўз байрами ва унга оид бой манбалар ҳақида фикр юритдилар.

— Бундай маънавий-маърифий тадбирларни тумандаги 49 та маҳалла, олий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда ўтказиш режаланган, — дейди биз билан суҳбатда туман маънавият тарғибот маркази раҳбари Сабоҳат Ҳамидова. — Бундан кўзланган мақсад эса аҳоли билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, шонли саналар мазмун-моҳиятини тўла етказиш, пойтахтимизнинг қутлуғ санасини муносиб кутиб олишга ҳисса қўшишдир.

Ўзаро фикр алмашувлар ва савол-жавоблар билан ўтган ушбу учрашув йиғилганларда яхши таассурот қолдирди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

## «МЕНИНГ ШАҲРИМ» ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

**МАЪЛУМКИ, «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҚОШИДА «САРДОРЛАР МАКТАБИ» ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ ҚАТНАШАЁТГАН 12 ЁШДАН 22 ЁШГАЧА БЎЛГАН ИСТЕЪДОДЛИ ЎҒИЛ-ҚИЗЛАРНИ ЎЗ САФИГА БИРЛАШТИРГАН МАЗКУР МАКТАБДА ЁШЛАРИМИЗНИНГ САРДОРЛИК КЎНИКМАЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА.**

Айниқса, “Сардорлар мактаби” томонидан ўтказиб келинаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар диққатга сазовордир. Айтиш жоизки, ушбу мактаб томонидан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб пойтахт кўчаларида ниҳол ўтказиш маросими ташкил этилди.

“Сардорлар мактаби” томонидан ўтказилган тадбирнинг биринчи қисмида “Тенгдош-тенгдошга” шиори остида ёшларга пойтахтимизнинг шаҳарсозлик тарихи ва осори-атиқалари ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Шунингдек, тадбир доирасида “Сардорлар мактаби” фаолиятига оид видеоролик намойиш этилди.

Дарҳақиқат, Республикамизнинг барча ҳудудларида ўз бўлимларига эга бўлган “Сардорлар мактаби” кўпгина лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, “Табиатни асрайлик ёшлар”, “Ҳар бир ёшга бир ниҳол”, “Қушларга ғамхўрлик қиламиз” ва “Сардорларнинг 17 туҳфаси” каби лойиҳалар бунга мисол бўла олади.

“Менинг шаҳрим” деб номланган мазкур лойиҳа ҳам пойтахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати билан шаҳримизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига кўмаклашиш ҳамда ёшларимизни она табиатга бўлган меҳр-оқибатларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбир сўнггида иштирокчилар 200 дан ортиқ арча кўчатларини экишди. Маълумотларга кўра, келгусида “Сардорлар мактаби” аъзолари ушбу кўчатларни нафақат пойтахтимиз кўчаларида, балки республикамизнинг барча вилоятларида ўтказишни режалаштиришмоқда.

**“Туркистон-пресс”**



*Ёшлар — келажагимиз*

# КАСБ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЎЗ СОҲАЛАРИНИ ЧУҚУР ЎЗЛАШТИРИШЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТАНЛАГАН ҲУНАРЛАРИГА ЯНАДА ҚИЗИҚТИРИШ МАҚСАДИДА ТУРЛИ-ТУМАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Жумладан, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими марказининг 2008 йил 27 сентябрдаги «Касб-ҳунар коллежларининг битирувчи курс ўқувчилари ўртасида «Касб маҳорати» танловини ўтказиш ҳақида»-ги буйруғига асосан ҳар хил йўналишлар бўйича танловлар ўтказилиб, энг моҳир ўқувчилар рағбатлантирилмоқда.

Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида шаҳримиздаги ушбу йўналишдаги 7 та касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида «Маиший хизмат машина ва асбобларини таъмирлаш» ҳамда «Радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналишлари бўйича кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди. Танловнинг ушбу иккинчи босқичида 17 нафар энг иқтидорли ўқувчилар ўзаро куч синашиб, назарий синовдан тест саволлари бўйича, амалий синовдан эса касбий амалий топшириқлар асосида эгаллаган малакаларини кўрсатишди.

Таъкидлаш жоизки, Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ушбу кўрик-танловга пухта тайёргарлик кўрилди. Чунончи, амалий топшириқларни бажариш учун лаборатория ва ўқув устахонаси зарур жиҳозлар билан таъминланди, хом ашё, махсус кийим ва тарқатма материаллар тайёрланди. Энг муҳими, ишлаб чиқариш корхоналари ҳам танловга катта қизиқиш билан ёндошиб, ўз вакилларини юбордилар.

Ниҳоят, «Алгоритм» акционерлик жамияти бош муҳандиси А.Каримов, «ПГС» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари П.Свешников, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ходими С.Игнатевлардан иборат ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларидан сўнг «Радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш» йўналиши бўйича Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис коллежининг 3-курс ўқувчиси Жамшид Қаҳҳоров биринчи ўринни эгаллади. Қизиғи шундаки, иккинчи ўринни бирваракайига икки талаба — Жаҳонгир Ҳайдаров ҳамда Максим Панюшинлар (ҳар иккови майдон эгалари) эгаллашди.

«Маиший хизмат машина ва асбобларини таъмирлаш» номинациясида эса Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи битирувчиси Умар Азимов ғалаба қозонган бўлса, 2-ўрин Республика ногиронлар касб-ҳунар коллежининг 3-курс ўқувчиси Элмурод Урпимовга насиб этди. Ғолиб ва совриндорларга дипломлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Биринчи ўрин соҳиблари эса республика босқичига йўлланма олишди.

— Бундай танловни ўтказишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг танлаган соҳалари бўйича билим, касб маҳоратини яхши эгаллашларига кўмаклашишдир, — дейди Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи директори Абдурасул Зокиров. — Ўз соҳасини мукаммал эгаллаши, ёшлар орасида дўстона учрашувлар ўтказилишига хизмат қилади. Ўқувчиларни танловга назарий йўналиш бўйича махсус фан ўқитувчилари, амалий жиҳатдан эса ишлаб чиқариш усталари тайёрлашди. Энг қувонарлиси, танлов давомида деярли барча касб-ҳунар коллежларида иқтидорли, ўз соҳасини пухта эгаллаган ёшлар кашф этилди. Бу эса республикамиз халқ хўжалигига кўплаб истеъдодли ёш мутахассислар етказиб берилмоқда демакдир.

Танловнинг республика босқичини 25-26 февраль кунлари ўтказиш белгиланган.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**



**СУРАТЛАРДА: «Касб маҳорати» танлови мана шундай қизиқарли ўтди**

*Санъат*

# ДУТОРЧИЛАР АНСАМБЛИ

**ЁШ ДУТОРЧИ ҚИЗЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН АНСАМБЛЬ «ИСТЕЪДОД» ДЕБ НОМЛАНДИ.**

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳузурида фаолият кўрсатаётган ушбу ижодий гуруҳ яқинда Москвада сафарда бўлиб, янги концерт дастурини намойиш қилди.

Ёш дуторчилар ижро этган тароналар Россия телевидениеси орқали кўрсатилди.

Жорий йил давомида «Истеъдод» бир нечта ижодий сафарларни режалаштириб қўйди.

# АЛОҲИДА КОНЦЕРТ ДАСТУРЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИ 2009 ЙИЛДА ҚАТОР СПЕКТАКЛЛАРИНИ САҲНАЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИНИ КЎРДИ.**

Айни вақтда театр репертуаридан ўрин олган энг яхши асарлар қайта постановка қилинади. Ижодий сафарлар ҳам уюштирилади. Мамлакатимиз шаҳар ва вилоятлари бўйлаб ўтказиладиган гастроллар чоғида концерт дастурлари ҳам намойиш қилинади. Бундай ижодий режа дастлаб Самарқанд шаҳрида амалга оширилади.

**Гулбаҳор ЖЎРАЕВА**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ ЖАМИЯТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. БУНДА ДАВЛАТ, ЖАМОАТ ВА ХАЛҚАРО МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА.**

Ўзбекистон ҳукумати, Жаҳон банки, БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган унни бойитиш бўйича миллий дастур ана шундай қўшма лойиҳалардан биридир. Мазкур дастур доирасида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибидаги ун ишлаб чиқариш заводлари ва соҳага ихтисослашган бир қанча хусусий саноат корхоналари унни фойдали микроэлементлар билан бойитишга йўналтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Ҳозирги кунда улар томонидан ойига қарийб тўқсон минг тонна темир моддаси, фолий кислотаси ва турли витамин ҳамда фойдали микроэлементлар билан бойитилган ун ишлаб чиқарилмоқда.

Ушбу маҳсулотларнинг сифатини мунтазам назорат қилишнинг мукаммал тизими шакллантирилди. Бойитилган ун ва нон маҳсулотларини истеъмол қилишнинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги ўрни хусусида аҳоли орасида доимий тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Юртимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган бундай кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Мониторинг ишларидан маълум бўлишича, аҳоли, хусусан, репродуктив ёшдаги аёллар ўртасида камқонлик хасталиги сезиларли даражада камайган. Аҳолининг тиббий маданияти юксалмоқда. Тўрт йил мобайнида халқаро ташкилотлар ва жаҳондаги нуфузли молия муассасалари ҳамкорлигида ҳаётга татбиқ этилган ушбу қўшма дастур эндиликда миллий доирада изчиллик билан давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида унни бойитиш бўйича миллий дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишлаб ташкил этилган анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар вакиллари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва тиббий илмий марказлар олимлари, шифокорлар, мутахассислар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари А.Комилов давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай кенг кўламли лойиҳалар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзандлар туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, жисмонан тетик ва баркамол авлодни камолга етказишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ҳукуматимиз томонидан 2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг овқатланишини янада яхшилаш бўйича миллий стратегия татбиқ этилаётгани юртимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Тадбирда унни тўйинтириш бўйича миллий дастур доирасида истиқболда амалга ошириладиган ишлар хусусида атрофлича фикрлашилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# СОҒЛОМ ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**МАМЛАКАТИМИЗДА СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ КОМИЛ ИНСОНЛАР ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ БОРАСИДА АНИҚ МАҚСАДЛИ ДАСТУРЛАР САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. ХУСУСАН, ЁШЛАРНИ ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРДАН, АЙНИҚСА, ГИЁҲВАНДЛИК, ОИТС КАБИ КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎЗ САМАРАЛАРИНИ БЕРМОҚДА.**

Тошкент юридик коллежида “Ёшлар гиёҳвандлик, кашандалик ва ОИТСга қарши” мавзуида бўлиб ўтган учрашувда шу ҳақда сўз борди.

Ички ишлар ходимлари, нарколог-шифокор, тажрибали педагоглар иштирок этган учрашувда ёш авлод камолоти давлатимизнинг доимий эътибори ва ҳимоясида экани алоҳида таъкидланди. Бундан унумли фойдаланиб, аъло баҳоларга ўқиётган, спорт билан шуғулланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлаётган ёшлар ҳаётда улкан натижаларга эришмоқдалар. Ана шундай ёшлар эртанги кунимиз эгаси, юртимиз истиқболидир.

Тадбирда мутахассислар коллеж ўқувчиларига турли иллатларга, хусусан, кашандалик ва гиёҳвандликка ружу қўйишнинг аянчли оқибатлари хусусида батафсил маълумот бердилар.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## СОВҒА — ДИЛ РАМЗИ

Аёлларнинг байрами яқинлашгани сари Қамбаралининг юрагига ғулғула тушади. Ҳамёни кўтарганига яраша совға олиш мақсадида уч-тўрт кун олдин дўконларга кириб айланади. Арзонгаров, лекин хушбичим, кўримли совға қидиради. Сабаби, совға масаласида бир марта оғзи куйган. Кўз очиб кўрган биринчи хотинидан мана шу совға машмашаси туфайли ажралишган.

Ҳали-ҳамон эсида. Ўшанда аёлига яхшигина бир кўйлак ҳадя қилганди. Аммо бу совға хотинига ёқмади. Кўйлакни кийиб кўрдию энсаси қотиб уни ечиб столга отди.

— Яхшики, бунақа байрамлар бир йилда бир марта келади. Шунда ҳам кўзим тузукроқ совға кўрмайди. Ахир ҳар куни, кунора аёлига, ҳатто кўчадаги жазманига қўша-қўша совға тутаётганлар ҳам эркакларку. Менинг баҳоим шу қадар пастми? Мен кимман ўзи? Хотинингизманми ёки чўрингиз? Олиб келган совғангиз ўзингизга буюрсин. Мени ҳам қадрлаб, тузукроқ совға қиладиганлар топилиб қолар.

— Нима қил дейсан ахир. Пулимга яраша олдимда. Майли ойлик олай, ўзинг истаган совғани олиб бераман. Кел, энди хафа бўлма.

Ибохон аччиқ-араз билан ичкари кириб кетди. Кўп ўтмай кийиниб чиқди-да кўча эшик томон юрди.

— Қаёққа кетяпсан? — ҳайрон бўлиб сўради Қамбарали.

— Уйимга, онамнинг тор қорнига сиққан, кенг уйига ҳам сиғиб қоларман. Энди бу уйни елкамнинг чуқури кўрсин.

Ортиқча гапга ўрин йўқ эди. Шундай бўлса-да, Қамбарали ялиниб-ёлвориб кўрди. Ибохон айтганидан қайтмади. Охири Қамбаралининг ҳам тоқати тоқ бўлди. Кетса кетар, уч-тўрт кун онасиникида яшаб туриб, кейин қайтиб келади, деган хаёлда индамай қўя қолди.

Йўқ, Ибохон эри ўйлаган муддатда қайтиб келмади. Қамбарали кута-кута тоқати тоқ бўлиб хотинининг эшигига ўзи бош уриб борди. Ота-онанинг раъйига қарамай, Ибохон икки оёқни бир этикка тиқди. «Менинг қадрим йўқ ўша уйга бормайман» деб туриб олди. Қамбарали ночор уйига қайтди. Орадан маълум фурсат ўтказиб борганда Ибохондан янги гап эшитди.

— Судга бердим, ажралишаман сиздан.

Бу сўздан Қамбарали лол бўлиб қолди. Йўқ, ўйларди у. Битта совғани деб бунчаликка бормаслик керак. Демак, олдидан унинг менга кўнгли бўлмаган. Совға унинг учун бир баҳона. Начора, ялинишдан фойда йўқ. Билганини қилсин.

Эр ҳам тўнини тескари кийди. Ибохонга гап-сўзлар кор қилмади. Улар ажралишди.

Орадан йил ўтиб, Қамбарали ўзи билан бирга корхонада ишлайдиган Садоқат исмли аёлга уйланди. Садоқат садоқатли экан. Ибохон уч йилда ҳам эрига ҳадя қилмаган фарзандни у бир йил ўтиб туҳфа қилди. Кичкинтойнинг дунёга келиши эр-хотиннинг меҳр ипларини янада бир-бирига маҳкам боғлади.

Байрам яқинлашиб Қамбарали совға тараддудига тушиб қолди. Нима совға қилсам экан? Шу хаёл уни тарк этмади. Дўконларни айланиб, мўлжалдагидек совға топмади. Ниҳоят, у бу ҳақда аёлининг ўзи билан маслаҳатлашиб кўришни лозим топди.

— Вой адаси, шуни ҳам сўраб ўтирибсизми? Сиз нимани маъқул кўрсангиз шу менга ёққанида.

— Ҳар қалай, ўзинг ёқтирган буюмни айтганинг яхши эди-да. Турмушимиз ўзимизга маълум. Яқинда фарзандли бўлдик. Фарзандимиз ҳурмати узоқ-яқинларни тўплаб катта бўлмаса-да, кичикроқ ақиқа тўйи ўтказдик. Йиққан-терганимиз шунга кетди. Шуни ўйлаб ўзинг билан маслаҳатлашишни лозим топдим-да хотин, — деди Қамбарали.

— Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлсам битта чиройли гулдаста келтирардим, қўярдим. Гулдан яхши совға борми, адаси, — деди Садоқат жилмайиб.

Қамбарали кечқурун уйига бир боғлам чиройли гул кўтариб келганида хотини уни ял-ял очилиб, сочилиб кутиб олди.

## АЙТИНГ, НИМА ҚИЛАЙ?

Вилоятда яшовчи бир танишимизникига тўйга кетаётган эдим. Енгил машина кабинасидаги уч йўловчидан бири ўта камгап, яна ҳам тўғрироғи индамас чиқиб қолди. У бизнинг суҳбатларимизга мутлақо қўшилмас, ҳатто ҳазил-ҳузулларимизга ҳам деярли эътибор бермасди. Ҳамроҳимизни қанчалик гурунгга тортишга ҳаракат қилмайлик, бари беҳуда эди.

— Бcombined— Биродар, — дедим мен охири. — Сўраганнинг айби йўқ. Бироз ташвишли кўринасиз. Бирор нохуш ҳодиса рўй бердими?

— Сўраманг, отахон. Айтишга тилим бормайди.

— Одам тафтини одам олади. Айтинг, бироз дардлашсак балки дилингиз ёзилиб, енгил тортарсиз.

— Майли, айтсам айта қолай. Балки сизлар бирор жўяли маслаҳат берарсизлар менга. Қадрдон дўстим бор. Бир корхонада ишлаймиз. У яқинда турмуши тўғри келмай, хотини билан ажрашиб, бошқа аёлга уйланди. Бир дам олиш куни уч-тўрт тенгқурлар билан унинг уйида тўпланиб, янги келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичадиган бўлдик. Қутлуғ уйга қуруқ бормайлик, деб оз-оздан пул тўплаб, бозор қиладиган бўлдик. Уйимиз бозорга яқин бўлгани учун жўралар бу вазифани менга юклашди. Бозор айланиб юриб, анчадан бери кўрмаган курсдошим Ҳилолани учратиб қолдим. Орқасидан секин бориб ҳазил тариқасида қўлидан маҳкам тутдим. У чўчиб мен томонга ўгирилди. Мени кўриб бир зум саросимага тушиб қолди.

— Ҳилоламисан? — дедим унга яқинлашиб.

— Вой яхши юрибсанми, курсдош, — дея у қўлини бўшатишга уринди.

— Жуда ўзгариб кетибсан, — дедим унинг қўлини бўшатмай.

— Вой, ўша-ўшаманку, — деди у бироз хижолат тортиб.

— Очилиб кетибсан? Поччам яхши бўлса керакки, сени яшнатиб қўйибди.

— Ана таниш, у киши орқангда турибдилар, — деди у майин табассум билан.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Дарҳол Ҳилоланинг қўлини қўйиб юбориб орқамга ўгирилиб қарасам, ўша бизни уйга таклиф қилган касбдош дўстим хўмрайганича менга қараб турибди. Худди ўғирлик қилиб, қўлга тушган кишидек мулзам бўлиб қолдим. Кейин билсам, Ҳилоланинг ҳам олдинги турмуши бузилиб, шу дўстимизга эрга теккан экан.

Касбдошим индамай, мен билан кўришди. Мен ҳам индамадим. Унинг уйида бўлган меҳмондорчиликда ҳам у очилиб-сочилиб ўтирмади. Билдимки, менинг бояги қилмишим унга ёқмади. Шундан кейин унга Ҳилола билан курсдошлигимизни, бир-биримиз билан ҳазилкашлигимизни айтиб хижолатпазликдан қутулмоқчи бўлдим. Барибир у очилмади. Менингку бўларим бўлди-я, лекин биздан кейин эр-хотин ўртасида нима гап кечди экан? Мана шуни ўйлаб хаёлимга сиғдира олмаяпман. Айтинг, нима қилсам дўстимга бор ҳақиқатни тушунтира оламан.

Унга ўз билганимизча маслаҳат бердик.

Охирида у «донишмандлар «қалтис ҳазилнинг таги зил», «ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир», деган сўзларни бежиз айтишмаган эканда, деб қўйди.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ПОЙТАХТДАГИ 66-МАХСУС МАКТАБ-ИНТЕРНАТИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА МАХСУС ТАЪЛИМ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбиясига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши уларнинг ҳар томонлама баркамол, етук мутахассис бўлиб вояга етишишларига замин яратмоқда.

Айниқса, ижтимоий ҳимоя ва доимий эътиборга муҳтож болаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг ҳаётда ўз муносиб ўринларини топиш йўлида барча зарурий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Вазирлик тизимидаги махсус таълим муассасалари раҳбарлари, А. Авлоний номидаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ҳамда “Сен ёлғиз эмассан” Республика болалар жамоатчилик жамғармаси вакиллари иштирок этган семинарда таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар режаси белгилаб олинди.

Маълумотларга кўра Халқ таълими вазирлиги тизимида 89 та махсус мактаб ва мактаб-интернатлар мавжуд бўлиб, уларда 18 минг 460 нафар бола таълим тарбия олмоқда. 1998-1999 ўқув йилларида Республика бўйича махсус таълим муассасалари 82 та бўлиб, унда 21 минг 111 нафар бола тарбияланган. 2008-2009 ўқув йилига келиб, болалар сони 2 минг 651 нафарга камайган, лекин муассасалар сони 7 тага кўпайган. 2008-2009 ўқув йили учун 98 номдаги дарслик ва ўқув-қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда ва нашр этилмоқда.

Шунингдек, 2008 йилда турли ҳомий ташкилотлар ва жисмоний шахслар томонидан 411 миллион сўмдан ортиқ мурувват ёрдами кўрсатилди. Бу борада айниқса, Андижон ва Тошкент вилоятларига катта эътибор берилмоқда.

Ҳар йили махсус таълим муассасаларини 2 минг нафардан ортиқ ўқувчи ёшлар битириб, улар ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларига жалб этилмоқда.

Тадбирда Халқ таълими вазирлиги томонидан ижтимоий ҳимоя ва доимий эътиборга муҳтож болаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг ҳаётда муносиб ўринларни топишлари йўлида барча зарурий чора-тадбирлар кўрилаётгани эътиборга моликлиги алоҳида таъкидланди.

**“Туркистон-пресс”**

# ЧИННИ ВА СОПОЛ БУЮМЛАР ТАЙЁРЛАМОҚДА

**ЧИННИ ВА СОПОЛДАН ТАЙЁРЛАНГАН ЭСДАЛИК БУЮМЛАРИ КЎРИНИШИ, БЕЗАЛИШИ БИЛАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШИДА ДИЗАЙНЕР-РАССОМ ВА ҚЎЛИ ГУЛ ҲУНАРМАНДЛАРНИНГ ҲИССАСИ САЛМОҚЛИДИР.**

Мирзо Улуғбек туманида беш йилдан буён ҳунармандчилик билан шуғулланиб келаётган Иван Федичкин эски Шарқ миниатюраси асосида хилма хил маҳсулотлар тайёрламоқдаки, унинг бетакрор буюмлари савдо дўконлари орқали харидорини топмоқда.

— Аввалига бир неча турдаги эсдалик совғалари тайёрлаган бўлсам, — дейди Иван Федичкин, — бугунги кунга келиб маҳсулотларим тури 100 хилдан ортиб кетди. Маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланаман, нақшлар чизиш ва фигуралар ясашга алоҳида эътибор бераман. Бўёқларни ва безакларни танлашда, албатта ижодий изланаман. Кўпинча эртак қаҳрамонлари тасвирларини яратаман. Жорий йилда эса нафақат сопол, балки жарангдор ва сержило чинни буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам бошладим.

Иван Федичкиннинг ўтган йилда ишлаган «Шоҳаббос», «Бухоро амири», «Карвон», «Отлиқлар» сингари эсдалик буюмлари кўпчиликка манзур бўлди. У касаначилик асосида ҳам фаолият кўрсатиб, шаҳримиздаги «Совпластитал» корхонаси буюртмаларини ҳам тайёрлаб бермоқда. Шунингдек, ҳунарманд уста ҳозирда ёшлардан 2 та шогирд тайёрлади ва уларга ҳунар сирларини мукаммал ўргатмоқда.

Изланувчан уста «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг туман босқичида фахрли 3-ўринни эгаллаган. Айни кунларда у чиннидан янги маҳсулот турларини ясаб, харидорларга тақдим этиш йўлида изланмоқда.

**Шарофат БАХРОМОВА**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Тириклик қадрини билмайди инсон.

* * *

Улуғлар сўзини тут баски авло,
Уларга беписандлик этма асло.

* * *

Бировни хўрлама, озод эсанг сен,
Ўзингни пастга ур, устод эсанг сен.

* * *

Сўз айтма номуносиб, носазовор,
Мазах қилсанг, мазах этгувчилар бор.

* * *

Қариларга яқин бўл, шод бўлурлар,
Улар ёшлик не эрконин билурлар.

* * *

Агар қошингга келса хору хаста,
Карам эт, бўлмасин кўнгли шикаста.

* * *

Бировдин қарз эсанг гар бир ютум сув,
Унутма, тутмагунча унга ҳам сув.

* * *

Чумолига ҳақир деб боқмагил, бас,
Ки сен ҳам бўйлардирсен, ортиқ эрмас.

* * *

Сиёсатда сабр айла, таваққуф?
Ки, сўнгра чекмагайсен ҳеч таассуф.

* * *

Талашма гапни кўп, сўз айтма бисёр,
Магар гап-сўз кўпайса, қайда иш бор?

* * *

Саховат айлагил, улким сахийдир,
Бу дунёда бахиллар дўзахийдир.

* * *

Севинчинг ганж эмишдир.

* * *

Бировни билмасанг, яхши, ёмон деб
Аташни сен ўзингга кўрмагил эп.

* * *

Агар кўнгилни этмак истасанг хуш,
Ўликнинг ортидин сўз айтма нохуш.

* * *

Хуш айтса сўзни маст, ардоқлагил сен,
Сўзига боқ, ўзига боқмагил сен.

* * *

Биров душманлик этса. тоқат айла,
Ширин сўз бирла тўхтат, йўлни бойла.

* * *

Кичик деб душманингга боқмагил хор —
Ки, учқун остида улкан олов бор.

* * *

Сўзингни хуш гапир сен, яхши сўйла,
Қилар ишни мукаммал, яхши айла.

* * *

Таомга ружу қилма, гар эсанг эр,
Таомни сен емайсен, ул сени ер.

* * *

Ишингга оқибатни айла пайваст,
Кишини оқибатсизлик этар паст.

* * *

Саранжом бўл мудом, вақтингни асра,
Йиғиб ақлу ҳушинг, нақдингни асра.

* * *

Ёруғ юз бирла жон бермак савобдир.

* * *

Десанг, не келтирур жонингга хушлик?
Дегаймен: кам гапирмак, жим туришлик.
Чу лочин хомушу эркин нафасдир,
Чекиб ул булбулинг банди қафасдир.

* * *

Яшарсен то сабрлар айла ҳосил,
Сабрмас, мушкулотингга калит ул.

* * *

Дилу жон ичра ҳар лаҳза ҳамондир,
Киши билгайму не асрор ниҳондир?

Неча минг бахри пурасрору комил
Этарсен гоҳида бир дамда ҳосил.

* * *

Нафасни эҳтиром этсанг агар, ҳай,
Сени ул шоҳу султонликка элтгай.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади**

*Ватан ҳимояси — муқаддас бурч*

# ҲАРБИЙГА ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР ВА ТЕСТ СИНОВИ

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ ИСЛОҲ ЭТИШ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САФИГА ҲАР ЖИҲАТДАН ЕТУК, ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ, СОҒЛОМ ТАФАККУРЛИ, ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИККА ЭГА ЁШЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 2005 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАЁТГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗЛАР ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА БИНОАН МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛАЁТГАН ЙИГИТЛАР ТЕСТ СИНОВИДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрда имзоланган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ ушбу тизим янада такомиллаштирилди. Ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларни тест синовидан ўтказиш жараёнининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази раҳбари Баҳром ИСМОИЛОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг тест синови асосида ҳарбий хизматга олиш тизимининг яратилгани армиямиз сафига пухта билимга эга, соғлом ва баркамол ёшларни танлаб олишда муҳим омил бўлмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларни танлов асосида саралаб олиш уларнинг билими, интеллектуал, мослашув салоҳияти ва жисмоний тайёргарлик даражаси каби бир қатор жиҳатларни қамраб олади. Чақирилувчиларнинг имкониятларини пухта ўрганиш асосида ҳарбий хизматга тайёргарлик кўрсаткичлари белгиланади. Булар орасида муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг билим даражасини тест синовлари асосида аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази мутахассислари муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларнинг билим даражасини умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган ўқув дастурларига мувофиқ тестдан ўтказади. Тест саволлар жамғармаси она тили, адабиёт, математика, Ўзбекистон тарихи фанлари асосида ишлаб чиқилган. Зеро, миллий армиямизда кучли билим, ҳарбий техника ва технологияларни пухта эгаллаган, юксак салоҳиятли, Ватан тақдири ва келажаги олдида алоҳида масъулиятни ҳис этувчи ёшлар хизмат қилиши зарур. Буни аниқлашда эса тест жараёни муҳим ўрин тутади. Кўп вариантли ва айни пайтда ҳар йили мунтазам янгиланадиган ушбу тест олтмишта саволдан иборатдир. Унда ҳар бир тўғри жавобга бир баллдан берилади. Марказ кўп вариантлилик асосида ҳар бир тест топширувчига алоҳида саволлар китоби ва жавоблар варақасини тайёрлайди ҳамда уларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасида ўзлаштирган билимини синовдан ўтказади. Марказ мутахассислари ва ҳамкорларимиз томонидан ушбу жараённи қатъий тартибга риоя этган ҳолда, ошкора, очиқ, холис ва ҳаққоний тарзда ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Давлат тест маркази томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Синовларнинг белгиланган тартибда ўтказилиши учун марказнинг масъул ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллий ҳокимлик вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликларининг педагог кадрлари аудитория кузатувчилари сифатида жалб этилади. Тест синовлари барча ҳудудлардаги туман ва шаҳарларда бир вақтда бошланади. Шунингдек, тест материалларининг ўз вақтида шаҳар ва туманларга етказилиши Давлат тест марказининг жойлардаги доимий вакиллари томонидан таъминланади. Бундан ташқари, тест синовлари жойларда турли муддатларга бўлинган ҳолда тест топширувчиларнинг тўпланишига қараб ҳам ташкил этилади. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар учун туман, шаҳар мудофаа бўлимлари томонидан тест тартибига мос келадиган аудиторияларда ўтказилади.

Ҳарбийда хизмат қилиш истагидаги ёшларнинг тест синовларига тайёргарлигининг сифат даражаси ортиб бораётганини алоҳида таъкидламоқ лозим. Тест синовларининг мунтазам такомиллашиб боришида ота-оналар, таълим муассасалари, муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан ишлаш учун масъул идораларнинг ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ҳарбий хизматга отланган ёшларнинг билим даражасини тест синовидан ўтказиш тартибининг жорий этилиши миллий армиямизнинг жанговар тайёргарлигини янада ошириш, иқтидорли, жисмонан бақувват, заковатли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга йигитларни Қуролли Кучларимизга жалб этишга хизмат қилмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Назокат УСМОНОВА**
**ёзиб олди.**




# ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

**ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА "5+1" ЁШ ИЖОДКОРЛАР ГУРУҲИНИНГ "ВЕРТИКАЛ" НОМЛИ АКТУАЛ САНЪАТ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.**

Икки йилдан буён ўтказилаётган кўргазма ёш рассомларнинг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги ўз фикрларини актуал санъатнинг турли кўринишларида ифода этиб, томошабинга янги ғоялар бағишлаши билан ҳам аҳамиятли. Кўргазмада қалбни ларзага келтирувчи, ҳар бир томошабин ички дунёсига мос бир нафас борки, у инсонга бир неча лаҳза бўлсада, ўзга бир ўлчамда яшашга ва бошқа тоифада фикрлашга имкон беради.

Кўргазманинг "Вертикал" деб номланиши кўплаб омилларга бориб тақалади. Бу сўз инсон онгида юқори ва қуйиликни, яъни Осмон ва Ерни ифода этади. Кўргазма қатнашчиларининг яна бир вазифаси бу Осмон ва Ернинг ўхшашлигини кўрсатишдир. Кўргазмада қатнашаётган ҳар бир иштирокчининг бу мавзуга бўлган ёндашувлари эса ўзгача ва такрорланмас бўлиб, уларнинг ўз дунё қарашлари ва ҳаёт тарзларидан келиб чиқади.

–Кўргазма қатнашчилари Шерзод Ражабов, Диёр Розиқов, Нигора Шарафхўжаева, Нуриддин Расулов, Санжар Жабборов Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти битирувчилари, – дейди санъатшунос Саодат Рўзиева. – Бу ижодкорлар бир муҳитда ижод этишига қарамай, уларнинг ишлари ўзига хослиги билан бир-биридан ажралиб туради.

С. Рўзиеванинг таъкидлашича, актуал санъат сўнгги йилларда Ўзбекистон санъатининг ажралмас қисмига айланди. Шу нуқтаи назардан мазкур кўргазма ёш ижодкорларга ҳозирги кунда оммабоп бўлиб бораётган актуал санъат доирасида ўз истеъдодини намоён этиш имконини беради. Кўп жиҳатдан ҳаётнинг доимий ўзгарувчанлигига мос келувчи янги тенденциялар, шакллар, материаллар ва технологиялар дунё бадиий тажрибаси кўринишларини ўзида акс эттириб, республикамизда ўсиб келаётган ёш авлод усталарининг ўз дунёқарашларини ифода этишлари учун рағбатлантирувчи омил бўлди. Галерея раҳбариятининг ҳар бир ёш рассомга алоҳида зал ажратгани ҳар бир ғоянинг тўлақонли амалга ошишига сабаб бўлган.

Кўргазмада ёш рассомлар, уларнинг устоз ва мураббийлари, оила аъзолари, санъат мутахассислари иштирок этди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

*Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан*

# МАҲАЛЛАЛАР ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

**МАМЛАКАТИМИЗ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТАБИИЙ ҲАМДА ТЕХНОГЕН ТУСДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДАН МУҲОФАЗА ҚИЛИШ, ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШДАН ИБОРАТДИР.**

Бу эса аҳолининг барча қатламларида— ўқув, таълим тарбия муассасаларида, боғча ёшдаги болалардан тортиб маҳаллий ҳокимият, йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари ўртасида тарғибот ишларини жонлантириш, улар масъулиятини янада оширишни тақозо этади. Бу борада кўп йиллардан бери шаклланиб келган, ўзига хос қадриятлар, маънавият-маданият ўчоғи бўлмиш маҳаллаларнинг ўрни беқиёс.

"Маҳалланг тинч – сен тинч" дейдилар. Шу боис, маҳалла ҳудудига яқин жойлашган ишлаб чиқариш объектлари, уларнинг маҳалла аҳолиси саломатлиги ва ҳудуд экологиясига таъсири хусусида атрофлича тушунтириш ишлари олиб борилиши талаб этилади. Фавқулодда вазиятларда маҳалла аҳолисига юз берган ҳолат ҳақида хабар бериш усулларини ўргатиш, маҳаллада алоқа воситалари ишини мукаммал ташкил этиш, аҳолига хабар етказувчи гуруҳ тузиш жуда муҳимдир.

Аҳолини биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга ўргатишга эътиборни қаратиш керак. Бундай машғулотларни ўтказишда маҳалла ҳудудида жойлашган тиббиёт муассасалари (оилавий поликлиника, шифохоналар) мутахассисларини масъул қилиб тайинлаш муҳофазанинг самарали бўлиши гаровидир. Машғулотларда фуқаро олган жароҳатларнинг оғирлик даражасини аниқлаш, шунга кўра тиббий эвакуацион саралашни ўтказиш усуллари билан таништириш, маҳалла шароитини эътиборга олиб жабрланганларнинг тиббий эвакуациясида транспорт билан таъминлашни ташкил этишда қўл келади.

Маҳаллаларда доимо ишлайдиган фуқаро муҳофазаси бурчагини ташкил этиш учун фуқаро муҳофазасига тегишли ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матнлари, фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилишга оид кўргазмали плакатлар, шахсий ҳимоя асбоб-ускуналари ва улардан фойдаланиш қоидалари қайд этилган эслатмалар бўлиши айни муддаодир. Юқорида баён этилган маҳалла фуқароларининг фавқулодда вазият (зилзила, ёнғин, заҳарланиш, шикастланиш )ларда ўзини қандай тутиш, бир-бирига ёрдам каби фуқаро муҳофазасига оид кўникмаларининг уларнинг ҳаёти ва соғлиги учун аҳамияти катта.

Фавқулодда вазиятларда маҳалла аҳолисини тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш маҳалланинг ҳаёти тинч ва осуда кечиши учун замин яратишга олиб келиши муқаррар.

Аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан яшаш жойларида маҳалла фуқаролар йиғини ва уй-жой мулкдорлари ширкатларида суҳбатлар, учрашувлар, маърузалар шаклида Фуқаро муҳофазаси бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Аҳоли ва раҳбарият таркибини тайёрлаш маркази офицер ва мутахассислари ҳар ҳафтада маҳаллаларга чиқиб фуқаролар билан машғулотлар олиб боришга услубий ва амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Айни пайтларда маҳаллаларда аҳоли билан «Табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш» мавзусида машғулотлар ўтказилиши давом этмоқда.

**Элдор ОРИПОВ,**
**Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник**
**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНИДАН СЎНГ МАМЛАКАТИМИЗ КЕСКИН БУРИЛИШЛАРГА ЮЗ ТУТДИ. ШУ ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА ҲАР БИР СОҲАДАГИ КАБИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА ҲАМ БИР ҚАТОР ЎЗГАРИШЛАР РЎЙ БЕРДИ, ЖУМЛАДАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 1 НОЯБРДАГИ 512-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН МАЪНАВИЙ ЭСКИРГАН ИНДУКЦИОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНИГА, ЯНГИ ЗАМОНАВИЙ ЭЛЕКТРОН ҲИСОБЛАГИЧЛАР ТАТБИҚ ҚИЛИНДИ.**

# ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Бундан мақсад, истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштиришдир. Бевосита энергия таъминоти ташкилотлари тармоқларидан ва бошқа ташкилотлар ёки энергия таъминоти ташкилоти абонентларининг тармоқларидан узатилаётган электр энергияси учун, истеъмолчилар билан ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган, амалдаги электр энергияси тарифлари асосида, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

Электр энергиясини истеъмол қилишда «Электр энергиясидан фойдаланиш» қоидалари талабларига риоя этиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда электрон ҳисоблагичлар ўрнатилгандан кейин сир эмаски, ҳар бир истеъмолчи аввалги истеъмолга нисбатан тежамкорлик билан электр энергиясини сарфламоқда. Ушбу ҳолат энергетика тизимида бир неча минг кВт.соат электр энергиясининг тежалишига олиб келади. Шу билан бирга электр ҳисоблагичга нисбатан бир қанча талаблар мавжуд. Жумладан, электр ҳисоблагичлар ва ўлчов трансформаторларини вақти-вақти билан текшириш «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган муддатларда, истеъмолчининг маблағлари ҳисобига амалга оширилиши керак.

Ҳисобга олиш приборлари билан биргаликда фойдаланиладиган ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш фақат энергия таъминоти ташкилотининг розилиги билан амалга оширилиши керак. Афсуски, ҳозирги кунда ушбу қонун-қоидаларга риоя қилмаётган истеъмолчилар ҳам учраб турибди. Уларга эса белгиланган тартибда чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Мустақил юртимиз жаҳон ҳамжамиятига юз тутаётган ҳозирги вақтда, энергетика соҳасида қилинаётган ҳар бир хатти-ҳаракат ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бизнинг энг катта бойлигимиз – табиий ресурсларимиз. Уларни тежаш, асраб-авайлаш ҳар бир Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг муҳим вазифаларидан биридир.

**Ш.АҲМЕДОВ,**
**Г.ИСҲОҚОВ,**
**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси**
**катта инспекторлари**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ**

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси 2009 йил 22 февраль куни эрталаб соат 11.00 дан бошлаб умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан қамраб олиш мақсадида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 79 та касб-ҳунар коллежлари ва 37 та академик лицейларида «Ота-оналар мажлислари» ўтказилиши муносабати билан барча 9-синф битирувчиларининг ота-оналарини таклиф қилади.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй, тел. 252-23-31, 252-23-35.***

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**

**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс (3712) 233-21-56.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
4512 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 14.15